

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 ноябрдан чика бошлаган.

№ 259 (6. 150)

1986 йил 11 ноябрь, сешанба

Баҳоси 3 тийин



Икки йиллик план — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига!

Юксак маррани кўзлаб

Улуғ Октябр байрами арафасида КПСС Марказий Комитетининг 18-«Мосбел-сельстрой» трестининг коллектив пудратдаги иш тажрибасини қўриқлашда кенг жорий этиш тўғрисидаги қарорини эътиборга олади. Москвалик қурувчиларнинг тажрибасини чиндан ҳам эътиборга олади ҳамма жойда оммалаштириш лойиҳа.

Зеро, қурилишда пудрат усулининг афзалликлари борлиги ҳозир барчага маълум. Бунинг бир неча йилдан бери бригада пудрати усулида ишлаётган коллективимиз мисолида биланам. Дарҳақиқат, бу усул шахримиздаги қурилиш таъжрибасидан кенг фойдаланишга имконият беради. Тошкентда ҳам бошқармалар, трестлар коллектив пудрат асосида ишлашга ўтаётган пайт этил.

Шундай экан, КПСС Марказий Комитети томонидан бу ҳақда махсус қарор қабул қилинган айни муддао бўлди. Шахримиз бинокорларни тартиб белгиланган режаларни ҳаётга эцил тадбиқ этишларига ишонаман.

Бригаданим аъзолари бригада пудрати усулида ишлаб дуруст натижаларга эришяптилар. Биз ҳозир «Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба ишлаб чиқариш корхонаси бўлган ихтисослашган конструкторлик бюроси бинокорларни қўриқлашда. Бу ерда етти қаватли бош корпус, тажриба-ишлаб чиқариш корпуси, совутиш маркази, омборхоналар бўлади. Ҳозир тажриба-ишлаб чиқариш корпуси битай деб қолди. Бинода пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Совутиш маркази, омборхоналар ҳам қад кўтарди. Қурувчиларимиз эндиликда бош корпусда қу-

рилиш-монтаж ишларини жадаллаштиришмоқдалар.

Пудрат асосида ишлаётган коллективимизнинг пировад иш натижаларидан бригаданинг барча ишчилари манфаатдор. Шу сабабли гишт терувчи ҳам, пайвандчи, дуратор ҳам сифатли ва унумли ишлашга ҳаракат қилади. Зарур бўлиб қолган тақдирда дуратор пайвандчининг, гишт терувчи дураторнинг ишини бажараверади. Чунки биз бригаданим келиб қўшилган ишларга аста-секин турдош касбларни ўргатиб борамиз. Шу асосда бригаданим дуратор ҳамкорлик принци-пи таркиб топади.

Эндиликда бошқармалар ва трестлар коллектив пудратига ўтгач, уларнинг бўлиналари ўртасидаги ҳамкорлик худди бригадалардаги каби кучайиши табиий. Бинобарин, пировад натижадан бутун бир бошқарма ёки трестнинг барча бўли-

маларида ишловчилар манфаатдор бўлади. Ўзаро талаб-чилик кучаяди.

Партия ва ҳукуматимизнинг капитал қурилиш соҳасидаги қарорларини амалга ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини, меҳнатни таъкил этишнинг илгор формаларини жорий этиш биз қурувчиларнинг шарафли бурчимиздир. Байрамни яхши кўрсаткичлар билан қўтиб олган коллективимиз меҳнат гайратини янада оширади. Улуғ Октябрнинг келгуси йили нишонланган 70 йиллигига икки йиллик топшириқни адо этиш юзасидан олган мажбуриятимизни бажариш учун барча имкониятларимизни ишга соламиз.


А. ҲАСАНОВ,
Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 8-қурилиш трестининг 32-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи.

Мусобақа голиблари тақдирланди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба соювлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети уй-жой ва социал-маданий объектлар қуриш пиланларини муваффақиятли бажариш учун Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳарлар ва районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1986 йил III кварталдаги якунларини қўриб чиқилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба соювлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўмаги Қизил байроқлари билан қўйдиғилар мукофотланди:

Наманган области:
Тошкент шаҳардаги Со- бир Раҳимов райони;
Самарқанд областидаги Булуғтур райони.



СССР Давлат мукофоти лауреатлари

УСТА БИНОКОР

Барча даврларда, барча мамлакатларда ҳаммаш эълозлашиб келган бир касб бор. Бу — қурувчилик. Биз бу касб эгасини бинокор деймиз, касб маҳоратини эгалаганимизда, уста деб улуғлаймиз. Николай Максимович Плохих ана шундай ўз шарафли касбининг барча сирларини миридан сиргича пухта эгалаб олган уста бинокор.

Унинг чинакам меҳнат фаолияти Андижондаги «Коммунар» заводда бошланган, токарлик касбини ўрганиб олган эди. Балки у шу ерда домий ишлаб қолган бўлур эди. Бироқ, 1966 йили Тошкентда рўй берган табиий офат нақирон йилнинг режаларини ўзгартириб юборди. Зеро, улкан қурилиш майдонига айланган шаҳар шижоаткор ёшларини жасорат қўриштишга қарамқанда эди. Николай ҳам қилма даъвати билан Тошкентга келди. Мана, йилгари йилдирик, у тошкентлик қурувчилар сафида.

«Гавташкентстрой»га қарашли 3-ўйсозлик комбинати [собиқ «Жилстрой» трести] монтаж бошқармасининг комплекс бригадаси бригадир Николай Максимович Плохих эндиликда шахримизнинг энг донгдор қурувчиларидан бири. Улуғ Октябр байрами арафасида унинг номи бутун мамлакатга таралди. Бутункифдоқ социалистик мусобақаси илгорлари қатори Николай Максимович Плохихга СССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак унвон берилди.

Илгор бинокорнинг бригадасида монтажчилар, электр пайвандчилар, дураторлар, бетончилар, сувоқчилар қўли-қўлга бериб ишлашади. Коллективнинг шухратини ошираётганлар орасида А. Ҳасанов, А. Пав, Х. Асанов, П. Семёнов, А. Чесноков каби гайратли, жонқур ишчилар, ўз касбининг усталари қиз. Улар ўзларига топширилган юмушларни сифатли бажариш билан бирга, тежамкорлик учун курашадилар. Тажрибали ишчилар касб сирларини қурилишга янги келган ёшларга эндиликдан ўргатишади. Бригаданинг барча ишчилари қурилишнинг техника воситаларидан омилкорлик билан унумли фойдаланишади. Қурувчилар учта-тўрттадан турдош касбини пухта эгалаштириб олишганки, зарур бўлган тақдирда дуратор сувоқчига, бетончи монтажчига кўмаклашиб кетаверади. Коллектив пудратининг энг муҳим афзаллиги ҳам шунда. Пировад натижа ҳамманинг ҳаракатида бол- лик ва унумли натижадан барча манфаатдор бўлади.

3-ўйсозлик комбинатининг монтаж бошқармасида бўлганимизда мохир бригадирнинг оқласи ҳақда ҳам илқ сўзларини айтишди. Ўғли Андрей ҳарбий билми юртида, қиз Нада ўрта мактабда «яхши» ва «аъло» баҳо- ларга ўқишар экан.

Медиклар шаҳарчаси чеккасида халқа йўл ёқалаб Чилонзор томон юрсангиз, шаҳарнинг «Партия XX съезди» колхози билан туташган жойида янги уй пойдеворни қуришга бошланганини кўрасиз. Бу уйин Николай Плохих бригадаси қуряпти. Бу — коллективнинг шу йилнинг ўзига қураётган еттинчи уйи. Пойдевор эндиликда қўйилляпти. Бироқ, шу йил охиригача бу уй пардозловчиларга топшири- лади. Бунга коллектив меҳнати кафолат бўла олади.

Тўғрисики айтиб қўя қолайлик, бугун бригадирни объектдан топа олайсиз. Улуғ Октябр байрами арафасида уин тажриба ала- маш шун Ватанимиз пойтахтига — Москва- га тақдир этишди. Бригадирга берилган юксак мукофотини ўз меҳнатида берилган мукофот деб билган ақил коллектив унинг юзисни ерга қаратмаслиги учун гайратга гайрат қўшиб ишляпти.

М. МУРОДОВ.

СУРАТДА: 3-ўйсозлик [собиқ «Жилстрой» трести] комбинати монтаж бошқармасининг комплекс бригадаси бошлиғи СССР Давлат мукофоти лауреати Н. М. Плохих.

С. Велюкин фотоси.
[ЎЗТАГ фотохроникаси].

Мукофот муборак!

СССР Олий Совети Президиуми совет фани ва техникасини ривожлантириш, илмий-тадқиқотлар натижасини халқ хўжалигига жорий этиш бўйича ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун фан ходимларини СССР орден ҳамда медаллари билан мукофотлади.

Тошкент области ва Тошкент шаҳри бўйича:

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН
Муҳаммаджонов Мирза- али Валиевич — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг бўлими мудири.

ОКТАБР РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН
Абдуллаев Абдумавлон — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг директори.

МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН
Кист Александр Алексеевич — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси адро физикаси институтининг дирек- торининг ўринбосари.

Музаффаров Ахрор Музаффарович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология фанлари бўлими

нинг академик-секретари.

Попов Владимир Григорьевич — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тупроқшунослик ва агрохи- мияси институтини лаборатория- си мудири.

Трухов Василий Степано- вич — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси С. В. Стародубцев номидаги физи- ка-техника институтини дирек- торининг ўринбосари.

ХАМРОБОВ Иброҳим Ҳам- робович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Х. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика ин- ститутини директори.

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН
Глушеникова Анна Иванов- на — Ўзбекистон ССР Фан- лар академиясининг ўсим- лик моддалари химияси ин- ститутини директори.

РАЖАБОВ Тельман Дада- вич — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси У. А. Орифов номидаги электрони- ка институтини лабораторияси мудири.

Хайруллаев Музаффар Мухиддинович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номида- ги шарқшунослик институ- тини директори.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН
Бахромов Саъдулла Аб- дуллаевич — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ис- сиқлик физикаси бўлими ла- бораторияси мудири.

Бўриев Тоқибой — Ўзбе- кистон ССР Фанлар акаде- мияси кибернетика институ- тини лабораторияси мудири. («Кибернетика» Ўзбекистон илмий-ишлаб чиқариш бир- лашмаси ҳисоблаш марка- зи).

Верник Раиса Савелье- на — Ўзбекистон ССР Фан- лар академияси ботаника институти лабораторияси мудири.

Эшонхўжаев Абдурахмон Осимович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси М. Т. Ҳўзобоев номидаги механика ва зидзилга чи- дамли ишшоотлар институти лабораторияси мудири.

Каримов Эркин — Ўзе- кистон ССР Фанлар акаде- мияси адро физикаси инсти- тутини радиация техникаси конструкторлик бюроси ди- ректори.

Логинов Борис Владими- рович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси В. И. Романовский номидаги ма- тематика институтининг кат- та илмий ходими.

Овчарова Мария Алексан- дровна — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси эконо- мика институти катта илмий ходими.

Сандов Мухтор Сафарбо- евич — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика- математика фанлари бўли- мининг академик-секретари.

Тўрақўжаев Муродбек Тў- рақўжаевич — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтининг катта илмий ходими.

Шунингдек, фан ходимла- ридан яна 9 киши III дара- жали Меҳнат Шухрати ор- дени, 12 киши «Шавақтли меҳнати учун» медали, 14 киши «Меҳнатда ўрнат қў- сатганлиги учун» медали бил- лан мукофотландилар.

Вақтдан ўзиб

Тошкент тўқимачилик ком- бинатининг ип йигирув ва пардозлаш фабрикалари кол- лективлари анча вақтдан бе- ри мусобақадор саналляпти. Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилидаги меҳнат беллашувда ип-йигирув фабрикаси ишчилари пешқа- дамлик қилишляпти.

Коллективнинг юксак меҳ- нат кўрсаткичларида соҳа нормасидан юқори эциқликда ишлаётган илгорларнинг му- носиб ҳиссаси бор. Булар галтакка ип ўривчи, Ўзбеки- стон ССР Олий Советининг депутаты Нина Таликина, ип пишитувчи, Фрунзе район Совети депутаты Валентина Серафимова, қайта тараш цехининг меҳнат ветерани Турғунбой Ҳусанов, пилик- ловчи, ёшларнинг мураб- бийси Инобат Каримова ка- биллардир. Бу ишчиларнинг, йиллик планини муддатидан аввал адо этиб 1987 йил ҳи- собига меҳнат қилишяётган- лигига анча вақт бўлди. Ҳо- зир фабрикада жами 72 иш- чи вақтдан ўзиб меҳнат қи- ляпти.

Тонгги газеталарда

✦ Зағаро Иқтисодий Ер- дам Кенгашига аъзо соци- алистик мамлакатлар дардош партиялари раҳбарларининг амалий учрашуви 10 ноябрь куни Москвада очилди.

✦ Жаҳон ёшлар кунига ва Жаҳон демократия ёшлар федерацияси ташкил этил- ган кунининг 41 йиллигига бағишланб 10 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган та- танали йилгилиш қатнашчилар- ни тинчлик учун курашда яхши ниятли барча кишилар

билан бирдамлик изҳор этид- лар. Йилгилишда ёш ишчи- лар, инженерлар ва респу- блика олий ўқув юрталарида таълим олаётган чет эллик студентлар иштирок этидилар.

✦ Республикада наприет, по- лиграфия ва китоб савдоси партия-хўналик активлари- нинг 10 ноябрь куни бўлиб ўтган йилгилишда тармоқ ходимларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко- митети III пленуми қарорла- рини бажариш соҳасидаги ва- сифалари муҳокама қилинди.

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

10—15 НОЯБРЬ

Семашко номидаги ку- рортология ва физиотера- пия илмий-тадқиқот инсти- тутини директори, медицина фанлари доктори, профес- сор Н. М. Мажинов тахри- ри остида.

Ҳафта бошларда Тошкентда ҳаво ҳарорати кечаси 8—13, кундузи 22—27 даража иссиқ атрофида бўлади. Кейинчалик совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши кутиллади.

Ҳафта ўрталарида ёгинг- вичликлар бўлиб ўтади. Вақти- вақти билан гарбый шамолнинг тезлиги секундига 9—14 метр- гача кучаяди. Ҳаво ҳарорати пасаяди. Кечаси 2—7 даража, кундузи 14—19 даража иссиқ бўлиши кутиллади.

Ҳафта охирида ҳаво ҳара- рати аста-секин кўтарилиши ку- тилмоқда. Уртача ҳаво ҳара- рати нормага яқин бўлади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг медицина прогностлаш ва ме- теопрофилактика Маркази му- тахассисларининг фикрига кў- ра, ҳафта ўртасида бўладиган бирмунча иклимий ўзгаришлар шамолнинг кучайиши ва атмо- сфера босимининг ортишига сабаб бўлади. Бу об-ҳаво ўзгаришларига таъсир кўрсатади. Бунда юрак-қон томир касал- ликлари бўлган беморларнинг ўзини ҳис этиши бироз ёмон- лашуви, бўғимлари касаллан- ганларда оғриқ пайдо бўлиши мумкин. Бундай кишилар врачларининг тавсиясига буюн- қон босимини меъёрга солуш ва аъзоларнинг об-ҳаво омил- ларига бардошлигини ошируш- ни доридермоларни қабул қилишлари тавсия этилади. Беморлар қаттиқ ҳаяжонлан- ши ва оғир жисмоний юмушлар- дан ўзларини тийишлари керак бўлади.

ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тай- ёрлашнинг борини тўғрисида шу йил 10 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир қунда тайёрланган пахта учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ФАРҒОНА 0,23 103,92
ТОШКЕНТ 0,24 103,46

Илғорлиқни қўлдан бермай

Серқўёш республикасида бугун ҳамма пахтакор. Ҳар бир киши дала меҳнаткашлар- ни билан елкама-елка туриб ештирилган қўл ҳосилда нес-нобул қилмай ўзининг ҳиссасини қўшишга интил- моқда. Республикаси дала меҳнаткашларига ёрдам бе- риш учун Тошкент давлат медицина институтининг сту- дентлари ҳам биринчи ра- торда Янззаҳ области пахта далаларида йўл олганлар. Ҳо- зирда институтнинг профес- сор ўқитувчилари раҳбарли- гда оштаклаб студентлар Янззаҳ областида меҳнат қи- ляётган ҳашарчи-пахтакорлар орасида биринчи ўринни қўл- дан бермай келмоқдалар. Байроқдор институт ҳашар- чилари ўзаро социалистик мусобақани ҳам авж олдири- ганлар. Иккинчи беш кунлик ка яқун ясади. Факультет- лараро социалистик мусоба- қада 2-даволаш факультети

биринчи ўринни, санитария- гигиена факультети эса ик- кинчи ва 1-даволаш факульт- ети студент ҳашарчилари учинчи ўринни олишга сазо- вар бўлдилар. Шу босис ин- ститутнинг кўма Қизил бай- роғи ана 2-даволаш факульт- етида қолдирилди.

Вақтинчалик ошпоқ халат- ларини пахта териш этакла- рига алмаштириб республика- нинг улкан хирмонига ўзи- нинг муносиб ҳиссасини қў- шишга интиляётган бўлгуси шифокорларнинг баракали меҳнатларидан сўнг яхши дам олишлари учун ҳамма шаронтилар яратилган. Барча факультетларда антитуберку- лоз ўз чиқишлари билан ҳа- шарчиларга мадад бўлмоқда- лар.



Пахтакор районининг Ки- чанов номи совхозида меҳ- нат қилаётган 2-даволаш фа- культетининг илғорлиқни қўлдан бермаётганлигида 303-группа студенти Октябр

Тешаев, 414-группа студенти Омон Примов, 503-группа студенти Шириной Ропиева, 511-группа студенти Дилбар Комиллова, 510-группа сту- денти Пулат Бўронов, 107-группа студенти Мухай- Орипхўжаев, 207-группа студенти Олима Каримова- ларнинг ҳиссалари каттадир.

Ҳашарга келган профес- сор ўқитувчилар маҳаллий аҳолини медицина қўриғидан ўтказишда фаол иштирок эт- моқдалар. Студентлар дам олиш вақтларида турли мав- зуларда қизиқарли лекция- лар тинглашади. Профессор- лар В. Михайлов, С. Фан- лар студент-ҳашарчилар ора- сида ана шундай қизиқарли лекциялар ўқинмоқдалар.

Пахтазор — жасорат май- доми. Унда ҳар бир киши ўз ҳиммати, гайрати билан жа- сораат кўрсата олади. Ҳимма- тини янада баланд бўлсин, мададкорлар.

Ф. ҲОЖИҚУЛОВА.



СУРАТЛАРДА: институтнинг энг пешқадам термичи студентлари Зебо Саъдиева (чап- дан ўнгга), Махмуд Туркиёзовлар тасвирланган. Илгор термичилар кунига 100

килограммдан пахта териб бериляптилар. Қуйи- даги суратда эса терилган пахтани топшириш пайти. Ш. Иброҳимов фотолари.

